

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 141513 на приобретение Шифохонага юмшоқ жиҳоз харид қилиш**

Способ проведения электронный

Дата 30.08.2022

Время рассмотрения 30.08.2022 09:50

Конкурсная комиссия Самарканд вилоят рухий касалликлар шифохонаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	SAYMIROV NURITDIN NORBOYEVICH	раис	ркш
<b>Секретарь комиссии</b>	SHODIYEV JAVLON ERNAZAROVICH	котиб	ркш
<b>Член комиссии</b>	ODILOVA SHAXNOZA SUVANOVNA	azo	ркш
<b>Член комиссии</b>	DONIYAROV GULOM NORTOYEVICH	азо	ркш
<b>Член комиссии</b>	SHUKRULLAYEVA DILBAR XURRAMOVNA	азо	ркш
<b>Член комиссии</b>	JUMAYEV ABDUVALI KARIMOVICH	azo	ркш

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 30.08.2022 года № лота 141513.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Пододеяльник</b>
Подробное описание	Пододеяльники (150*210 см)
Количество товара	1 800.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	65 000.00
Стартовая сумма	117 000 000.00
Валюта	UZS

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Наволочки из хлопчатобумажных тканей для подушек</b>
Подробное описание	Наволочка верхний (60*60 см)
Количество товара	1 800.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	35 000.00
Стартовая сумма	63 000 000.00
Валюта	UZS

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Простыня медицинская</b>
Подробное описание	Простыня (150*210 см)

Количество товара	1 800.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	50 000.00
Стартовая сумма	90 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Охирги уч йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлар, аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаси билан)

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг салоҳияти (жумладан, туловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASADBЕК TIKISTIL INVEST 2011" OK	5	Барча ҳужжат мавжуд	5	Экспертная		
"НАМКОР МАХ ПРО" МСНҲ	5	5	5	Экспертная		

Критерий №2 Ноҳалол ижрочиларнинг ягона реестрида улар ҳақида қайднинг мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASADBЕК TIKISTIL INVEST 2011" OK	5	Барча ҳужжат мавжуд	3	Экспертная		
"НАМКОР МАХ ПРО" МСНҲ	5	5	5	Экспертная		

Критерий №3 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси. (Шартнома нусхаслари)

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASADBЕК TIKISTIL INVEST 2011" OK	10	Барча ҳужжат мавжуд	10	Экспертная		
"НАМКОР МАХ ПРО" МСНҲ	10	10	10	Экспертная		

Критерий №4 Ишларни бажаришда фойдаланиладиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASADBЕК TIKISTIL INVEST 2011"OK	5	Барча хужжат мавжуд	5	Экспертная		
"НАМКOR MAX PRO" МСНҲ	5	5	5	Экспертная		

Критерий №5 Шартнома тузиш бўйича қонуний ҳуқуқга эга эканлиги

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASADBЕК TIKISTIL INVEST 2011"OK	5	Барча хужжат мавжуд	5	Экспертная		
"НАМКOR MAX PRO" МСНҲ	5	5	5	Экспертная		

Критерий №6 Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар сони бўйича кўрсаткичлари. (Солиқдан ёки меҳнат бандлик идорасидан)

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASADBЕК TIKISTIL INVEST 2011"OK	10	Барча хужжат мавжуд	7	Экспертная		
"НАМКOR MAX PRO" МСНҲ	10	10	10	Экспертная		

Критерий №7 Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги йўқлиги. Уларга нисбатан банкротлик таомили киритилмаганлиги

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASADBЕК TIKISTIL INVEST 2011"OK	10	Барча хужжат мавжуд	5	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"НАМКОР МАХ ПРО" МСНҲ	10	10	10	Экспертная		

Критерий №8 Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 50 % гача миқдордаги айланма маблағларининг мавжудлиги. (Банк маълумотномаси)

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASADBEK TIKISTIL INVEST 2011" OK	15	Барча хужжат мавжуд	15	Экспертная		
"НАМКОР МАХ ПРО" МСНҲ	15	15	15	Экспертная		

Критерий №9 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASADBEK TIKISTIL INVEST 2011" OK	5	Хужжатлар юкланди	5	Экспертная		
"НАМКОР МАХ ПРО" МСНҲ	5	5	5	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
"ASADBEK TIKISTIL INVEST 2011" OK	270 000 000.00	225 000 000.00 UZS	225 000 000.00	00.00	225 000 000.00	29.08.2022 16:23:04	30.00
"НАМКОР МАХ ПРО" МСНҲ	270 000 000.00	264 600 000.00 UZS	264 600 000.00	00.00	264 600 000.00	29.08.2022 16:48:20	25.51

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"ASADBEK TIKISTIL INVEST	59.9998	30	89.9998

2011"ОК			
"НАМКOR MAX PRO" МСНҲ	70	25.51	95.51

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 141513 от 30.08.2022 года на приобретение Шифохонага юмшоқ жиҳоз харид қилиш определила победителем:

"НАМКOR MAX PRO" МСНҲ  
308159468

и резервный исполнитель: "ASADBEK TIKISTIL INVEST 2011"ОК (305222186)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	SAYMIROV NURITDIN NORBOYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ODILOVA SHAXNOZA SUVANOVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	DONIYAROV GULOM NORTOYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SHUKRULLAYEVA DILBAR XURRAMOVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	JUMAYEV ABDUVALI KARIMOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Самарқанд вилоят рухий**  
**касалликлар шифохонаси бош врач**

А.Ахроров

Самарқанд вилоят рухий касалликлар шифохонада аутсорсинг шартлари асосида кир ювиш хизмати учун танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши  
**БАЁНИ**

Ургут тумани

« 06 » сентябрь 2022 йил

**Комиссия раиси:**

Н.Саймиров

Шифохона муҳадиси

**Комиссия аъзолари:**

Д.Шукруллаева

Комиссия аъзоси, моддий бойликлар ҳисобчиси

Ғ.Донияров

Комиссия аъзоси, дорихона мудир

А.Жумаев

Комиссия аъзоси, омбор мудир

Ш.Одилова

Комиссия аъзоси, девонхона мудираси

Ж.Шодиев

Котиб, хўжалик ишлари бўйича бош врач ўринбосари

**КУН ТАРТИБИ:**

Самарқанд вилоят рухий касалликлар шифохонасига юмшоқ жиҳоз сотиб олиш хизмати бўйича.

---

(Н.Саймиров, Ғ.Донияров, А.Жумаев, Ш.Одилова, Ж.Шодиев)

Шифохона томонидан 2022 йил 22 августда Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига Самарқанд вилоят рухий касалликлар шифохонаси эски маъмурият биносини жорий таъмирлаш хизмат 2211001241513 - сонли лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 30 августдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шакланган «шифохонасига юмшоқ жиҳоз сотиб олиш хизмати бўйича» баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан «НАМКOR MAX PRO» ООО корхонаси ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:

## ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш қунига жойлаштирилди. Икки иш қуни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Шифохона бош ҳисобчиси **Ғ.И.Тангматов**га:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 30 августдаги электрон баённомасига асосан ғолиб «НАМКОР МАХ PRO» ООО корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Хўжалик ишлари бўйича бош врач ўринбосари **Ж.Шодиев**га хизмат кўрсатиш сифат даражаси назорат қилинсин.

### Комиссия раиси:

Шифохона муҳандиси

 Н.Саймиров

### Комиссия аъзолари:

Моддий бойликлар ҳисобчиси

Дорихона мудири

Омбор мудири

Девонхона мудираси

 Д.Шукруллаева  
 Ғ.Донияров  
 А.Жумаев  
 Ш.Одилова

### Комиссия котиби:

Хўжалик ишлари бўйича

бош врач ўринбосари

 Ж.Шодиев

# ОЛДИ - СОТДИШАРТНОМАСИ № 00012022

Самарканд шаҳар

« 06 » сентябрь 2022 йил

«НАМКOR МАХ PRO» ООО, кейинги ўринларда «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи раҳбари Л.Д.Комилов номидан, бир томондан ва Вилоят рухий касалликлар шифохонаси, кейинги ўринларда «БҮЮРТМАЧИ» деб юритилади, узининг низоми, асосида иш юритувчи А.А.Ахроров номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар (маҳсулот) ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади:

Т/р	Товар (маҳсулотлар) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Суммаси	НДС		Суммаси НДС билан биргаликда
						Ставка	Суммаси	
1	Пододеяльники (150*210 см)	шт	1800	64000	115200000	Без НДС	Без НДС	115200000
2	Простина (150*210 см)	шт	1800	49000	88200000			88200000
3	Навлочка верхний (60*60 см)	шт	1800	34000	61200000			61200000
Жами:					264600000			264 600 000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 264 600 000,00 (Иккиюз олтмиш тўрт миллион олти юз минг) сумми ташкил этади.

## 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани газначиликда рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдоридан (шартнома суммасидан 30% миқдоридан) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 25 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. “Етказиб берувчи” аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 5 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. “Етказиб берувчи” амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. “Буюртмачи” товарларни қабул қилишда “Етказиб берувчи” иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қўйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни беғараз бартарф этиш;

- етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

### 3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

### 3.3. Етказиб берувчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

“Буюртмачидан” олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асосиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

### 3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- Агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни беғараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

#### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (*даврда*) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (*ўз муддатида олинмаган*) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (*ўз муддатида олинмаган*) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (*банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо*) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3. Етказиб берувчи:

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек тақлиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи шартнома шартларининг буюртмачи назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- шартнома шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (*эталонларга*) қонун ҳужжатларида ёки ҳужалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (*буюртмачи*) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (*буюртмачига*) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этавгустди.

4.6. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (*буюртмачига*) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сакланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (*буюртмачи*) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

#### 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иктисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иктисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иктисодий судида кўриб чиқилади.

#### 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 августдаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (*форс-мажор*) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

6.2 Енгиб бўлмайдиган кучлар (*форс-мажор*) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (*зиلزла, кўчки, бўрон, қургоччилик ва бошқалар*) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (*уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар*) сабабли юзага келган шартномага томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлар киради.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома газначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил "31" декабригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

## 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»
Ташкилотноми: « <b>НАМКОР МАХ ПРО</b> » ООО Манзил: Самарқанд вилоят, Самарқанд шаҳри, М. Қашғарий кучаси 49-уй Телефон: +998 (97) 391-30-90; СТИР коди: 308159468 Х/Р: 20208000005338441001 Банк: <b>ТОШКЕНТ</b> АЖ "АЛОКАБАНК" БОШ ОФИСИ МФО: 00401  Раҳбар: <u>И. Д. Комилов</u> (имзо)

«БУЮРТМАЧИ»
Ташкилот номи: Самарқанд вилоят рухий касаликлар шифохонаси Манзил: Ургут туман Халқобод маҳалла Телефон: +998 (95) 410-40-20 Ташкилотнинг СТИР: 201213890 ИФУТ: 91513 ШҲХ: 400321860182367073201054002 Газначилик бўлинмасининг номи: Самарқанд вилоят газначилик бошқармаси ЯҲХ: 23402000300100001010 Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ) МФО: 00015 Газначилик бўлинмасининг СТИР: 201118919  Раҳбар: <u>А. А. Ахроров</u> (имзо)

Ҳуқуқий маслаҳатчи \_\_\_\_\_  
Лицензия (диплом) № берилган санаси:

«  » \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

Ҳуқуқий маслаҳатчи \_\_\_\_\_  
Лицензия (диплом) № берилган санаси:

«  » \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил